Ушбу сонда:
2 27 ИЮН — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ
3 ФАРҒОНАДАГИ БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИДА
4 ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ



# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 26 июн, чоршанба № 102 (1319)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ҚУЁШ БАТАРЕЯЛИ ШИФОХОНА

Бўстонлик тумани Ембек ширкат хўжалигида замонавий қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Ҳудуддаги 6 минг 800 нафар аҳоли малакали тиббий хизматдан фойдаланмоқда. Шифо масканини қуёш батареяси ёрдамида иситилади. Ушбу технология олис тоғ қишлоғида иссиқ сув ва иситиш муаммосига барҳам беради. Шунингдек, энергияни тежаш ва экологик муҳитни яхшилашга имкон яратади.

Врачлик пункти иситиш тизимини қуёш батареяси билан жиҳозлашда Грециянинг «Фурагенес» фирмаси ёрдам кўрсатди. Тажриба тариқасида ўрнатилган қуёш батареяси қиш мавсумида ўзини оқласа, республикамизда кўплаб ишлаб чиқарилади ва талабгорларга етказиб берилади.

(ЎзА).

## МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТИШДИ



***Москвада МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари ўсмирлари халқаро спорт ўйинлари ниҳоясига етди. Унда Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этиб, салмоқли натижаларни қўлга киритди.***

Ўз сафида 79 нафар ёшни бирлаштирган жамоамиз спортнинг самбо, юнон-рум кураши, теннис, стол тенниси, енгил атлетика, қиличбозлик, шахмат, сузиш, спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика турлари бўйича беллашди.

Москвадаги энг замонавий спорт майдонларида 9 кун давомида муросасиз баҳслар давом этди. Спорт ва дўстлик шиори остида ўтган қизғин беллашувларда вакилларимиз 1 та олтин (Озод Пардаев, самбо, 40 кг.), 1 та кумуш (Светлана Радзивил, баландликка сакраш, 180 см.), 1 та бронза (Камол Аҳматов, самбо, 51 кг.) медални қўлга киритди. Шунингдек, спортчиларимиз саккизта 4-ўрин, 14 та 6-ўринни эгаллади. 40 нафар вакилимиз эса кучли ўнликдан жой олди.



Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида ўтказилаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақаларида тобланаётган ёшларимиз халқаро турнирларда тобора юксак натижалар кўрсатишга қодирдир. Жумладан, Москвадаги мусобақаларда ҳам самбо, енгил атлетика, шахмат, стол тенниси беллашувларида ҳамюртларимиз ўзларининг тобора ўсиб бораётган маҳоратларини намойиш эта олди.

Теннис кортларида Ўзбекистон шарафини ҳимоя этган Фаррух Дўстов, Ғофур Эшматов якка баҳсларда юксак натижа кўрсата олмаган



бўлсалар-да, жуфтлик баҳсларини муросасиз ўтказди. 3-ўрин учун бўлган мусобақада украиналик тенгдошлари билан тенгма-тенг ўйнашди. Фақат омад бу сафар улардан юз ўгирди.

Стол теннисида қизларимиз катта тажриба тўплаган. Улар бир неча бор йирик турнирларда фахрли ўринларни қўлга киритган. 1998 йилда Москва бўлиб ўтган Жаҳон ёшлари ўйинларида Манзура Иноятова ва Саида Бурхонхўжаева жуфтлик баҳсларида 3-ўринни эгаллаган эди. 1999 йили Швецияда ўтказилган мусобақада эса 45 давлат ичида 1-ўрин (жамоа ҳисобида)га кўтарилган. 2000 йилда Германияда ҳам жамоа ҳисобида ғолиб бўлган. Москвада эса қизларимиз ўз имкониятлари даражасида қатнаша олмади.

Шахмат баҳсларида илк бор қатнашаётган Жўрабек Ҳамроқулов ва Сарвиноз Эргашева фахрли ўринларни эгаллади.

Спорт ютуқ ва муваффақиятлари билан қизиқ. Гарчи спортчиларимиз жамоа ҳисобида фахрли ўринларни қўлга кирита олмаган бўлсалар-да, катта тажриба, сабоқ олишди.

Спорт соҳасига ҳукуматимиз томонидан берилаётган катта эътибор, ажратилаётган йирик маблағлар эрта-индин ўз нишонасини беради. Зеро, Москвада бўлиб ўтган халқаро спорт ўйинлари ёш авлодни янада юксак чўққиларни забт этишга ундамоқда.

**Муҳаммад АМИН,**
**ЎзА махсус мухбири,**
**Тошкент-Москва-Тошкент.**

## КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТИЗИМИДАГИ
# КУТУБХОНАЛАР
## фаолиятига бир назар

***Меҳнаткашлар ва ёш авлод зиё маскани бўлмиш кутубхоналарнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шу боис Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маънавий-маърифий ишларни давр талаблари даражасида ривожлантириш юзасидан белгиланган тадбирларида кутубхоналарни жиҳозлаш, уларни малакали кадрлар ҳамда энг керакли китоблар билан етарли даражада таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.***

Бу борада Самарқанд вилояти касаба уюшмалари кенгаши, Автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда Самарқандда касаба уюшмалари тизимига қарашли 80 та маданият уйи, саройлар, клублар, 47 та кутубхоналар фаолият юритмоқда. Меҳнаткашлар ва ёшларнинг дунёқараши, сиёсий онгини ўстиришда кутубхоналар хизматидан кенг фойдаланиш одат тусига кириши керак. Самарқанд вилоятида жорий йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 47 та кутубхонада 224041 китоб фонди бўлса, Автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма тармоғидаги 62 та кутубхонада 247357 китоб фонди мавжуд. Кутубхоналарни зарур адабиётлар билан таъминлашда Самарқанд вилоятининг ёқилғи энергетика, геология ва кимё саноати, соғлиқни сақлаш ходимлари тармоқ қўмиталари шунингдек, Автомобил ва йўл хўжалиги ходимлари тармоғининг Наманагандаги 17-автосарой, Тошкент вилоятининг Зангиота тумани автойўл бошқармаси, Тошкент шаҳридаги 2-автокомбинат каби корхона, ташкилотларда олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ.

Бахтга қарши, ҳали баъзи жойларда маънавий-маърифий ишлар талаб даражасида, деб бўлмайди. Гап шундаки, Самарқанд вилояти касаба уюшмалари Кенгаши, қолаверса, вилоят тармоқ қўмиталарининг қабул қилган қарорлари кўп ўринларда ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмаётганлиги боис бажарилмай қоғозда қолиб кетмоқда. Шу боис Ургут, Тойлоқ, Самарқанд, Булунғур, Каттақўрғон, Жомбой туманларидаги қатор бошланғич ташкилотларда муҳим иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Кузатишлар айниқса, савдо, умумий овқатланиш ва матлубот кооперацияси ходимлари ўртасида амалга ошираётган маданий-маърифий ишлар талабга жавоб бермаётганлигини кўрсатди. Ургут тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасига қарашли ўрмончилик соғломлаштириш мактаб- интернатида 76 нафар киши ишласа-да, охирги икки йил мобайнида бирон-бир кўрик-танлов ўтказилмаган. Жомбойдаги дон маҳсулотлари очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти қошидаги кутубхонага 4 йилдан буён биронта янги китоб харид қилинмаганлиги ажабланарли ҳол.

Кутубхоналар ишини ташкил этиш, тадбирлар уюштиришда ҳам талайгина камчиликлар мавжуд. Қаранг, Наманган вилоятидаги 22-автокорхонада 2 мингдан зиёд китоб чанг босган ҳолда корхона бостирмасида сақлаб келинмоқда. Уч йил мобайнида биронта ҳам янги асар келтирилмаган.

Самарқанд вилояти бўйича кутубхоналар сони тобора камайиб бормоқда. 2001 йилда 2000 йилга нисбатан уларнинг сони 10 тага камайди. Мутасаддиларнинг долзарб масалага етарлича эътибор бермаётганлиги оқибатида кутубхоналар асоссиз равишда ёпилмоқда ёки маданият бўлимлари қарамоғига ўтказиб юборилмоқда. Бир мисол. Тойлоқ туманини агросаноат мажмуига қарашли Саид Назаров номли ширкат хўжалиги қошидаги қарийб 8 минг нусха китоб фондига эга бўлган зиё маскани кутубхоначи штати йўқлиги сабабли туман маданият бўлими тизимига бериб юборилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган Раёсат йиғилишида меҳнаткашлар ва ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни йўлга қўйиш борасида Самарқанд вилояти ҳамда Автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма ташкилотлари қандай ишларни амалга ошираётганликлари атрофлича таҳлил этилди. Камчиликларнинг туб сабаблари, ечимини кутаётган муаммолар хусусида атрофлича гап борди.

Сўзга чиққан айрим нотиқлар ҳаттоки, Федерация Кенгашининг баъзи масъул ходимлари кутубхоналарнинг бугунги кундаги аҳамиятини том маънода тўғри тушунмаётганликларини, чалкаш фикрларга бораётганликларини рўй-рост кўрсатиб ўтдилар. Илғор тажрибаларни оммалаштиришга алоҳида эътибор бериш зарурлиги уқтирилди.

Меҳнаткашларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишда Самарқанд вилояти касаба уюшмалари кенгаши, Автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси фаолиятида қатор камчиликлар мавжудлиги ўз исботини топди. Хусусан, вилоятда жисмоний тарбия ва спорт секциялари, соғломлаштириш гуруҳларида шуғулланувчилар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Разрядли спортчиларни тайёрлаш ҳам кўнгилдагидек эмас, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси, авиaходимлар тармоқларининг биронта ташкилотида спорт йўриқчилари йўқ. Буларнинг ҳаммаси сабоқ бўлиши керак. Маънавият ва маърифат соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш биринчи навбатда маданият ўчоқлари, кутубхоналар фаолиятини шу кун талаблари даражасида ташкил этишни тақозо этади. Бунда расмиятчилик, номигагина меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш, ижро интизомининг сустлигига барҳам бериш лозим бўлади. Шундагина ўта муҳим ишда силжишга эришиш мумкин.

**Н.ИЛЁСОВ.**

# АДОЛАТСИЗЛИК
## сабаблари ва сабоқлари

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти профессори Жаҳонгир Шопўлатов хизмат тақозоси билан Тошкентга борадиган бўлди. 2000 йил 9 феврал куни эрталаб у киши ўғли Саидаҳмад ва ҳамкасби А.Чалабоев билан бирга ўзининг шахсий «Тико»сида йўлга чиқди. Афсуски, манзилга етиш насиб қилмади. Самарқанд-Тошкент йўлининг Жомбой тумани Н.Эсонтурдиев номли жамоа хўжалиги ҳудудидан ўтувчи қисмида автоҳалокат содир бўлди. Масаланинг моҳиятини ҳамда Ж.Шопўлатовнинг изтиробларини тушуниш учун ушбу воқеа содир бўлган ҳолатни аниқ тасаввур қилишимиз керак. Тошкент томонга ҳаракатланаётган «Тико»нинг йўналиши бўйича йўлнинг ўнг томонида битта «КамАЗ» автомашинаси тўхтаб турган. Йўлнинг чап томонида қарама-қарши йўналишда давлат рақами 18АВ 283 бўлган иккинчи «КамАЗ» тўхтаб турган. Мана шу «КамАЗ» ҳеч кутилмаганда орқага ҳаракатланиб, йўлга кўндаланг бўлади ва «Тико»нинг йўлини тўсиб қўяди. Ҳолбуки, «КамАЗ»ни ҳаракатлантирган шахс рўпарадан келаётган қизил рангли «Тико»ни кўрмаслиги мумкин эмасди. «КамАЗ» йўлда кўндаланг туриб қолгач, «Тико» ҳайдовчиси С.Шопўлатов машинани охирги зарурат билан ўнгга буради ва у йўл четидаги сувли чуқурликка тушиб кетади. Йўловчилар енгил тан жароҳати олишади, машинага зарар етади, ундаги китоблар, дарсликлар, ўқув дастурлари яроқсиз ҳолга келади.

Шу нарса аниққи, 18АВ 283 давлат рақамли «КамАЗ»ни Нортожи Тангиров ҳаракатлантириб, йўлга кўндаланг қилиб қўйган. Бу вақтда машинанинг асосий ҳайдовчиси Алишер Асадов ва унинг отаси Файзулло Асадов қарама-қарши йўналишда тўхтаб турган 00-59 ТНР рақамли «КамАЗ» кабинасида бўлишган. Бинобарин, ўзларининг тасдиқлашларича, иккинчи «КамАЗ»нинг йўлга нотўғри чиқиб кетганини ҳам, «Тико» сувга тушганини ҳам кўришмаган. «Тико»ни сувдан чиқариш учун техник ёрдам уюштирган «Самарқандавтойўл» бошқармасининг ходимлари Ҳ.Сиддиқов, Б.Амриев, Р.Ниятовлар воқеага гувоҳ бўлишган. Хусусан, Ҳ.Сиддиқов ўз тушунтириш хатида «18АВ 283 давлат рақамли «КамАЗ» автомашинасининг йўлни кўндалангига кесиб ўтган изларини кўрдик. Ҳаво совуқ ва ерда қор бўлганлиги сабабли излар музлаб, аниқ кўриниб қолган эди» — деб ёзади.

Ҳалокатнинг сабаби аниқ — йўл ҳаракати қоидаси қўпол равишда бузилган. Уни содир этган шахс ҳам маълум. Бунда баҳсли ўринлар бўлиши мумкин эмас. «Тико» ҳайдовчиси С.Шопўлатов сўнгги зарурий чора сифатида машинани ўнгга буриб, йўлдан чиқариб юбормаганида ушбу йўл-улов ҳодисасининг оқибати жуда ёмон бўлиши эҳтимолдан холи эмасди. Шунга қарамасдан Жомбой туман ИИБ ходимлари масалага ўта масъулиятсизлик билан қарашган, сансоларликка йўл қўйишган. Биз мутасадди идораларнинг ваколатини зиммамизга олмоқчи ҳам, тергов жараёнига бошқатдан баҳо бермоқчи ҳам эмасмиз. Орадан икки йилдан кўпроқ вақт ўтгандан кейин бунинг тўлиқ имкони ҳам йўқ. Фақат мавжуд ҳужжатларни мантиқий таҳлил қилиб, мутасаддиларнинг масъулиятсизлиги, йўл қўйилган хатолар ҳақида айрим мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз, холос.

Н.Тангиров ўзбошимчалик билан Ф.Асадовга биркитилган «КамАЗ» автомашинасини ҳаракатга келтириб, йўл ҳаракати қоидасини бузган, йўлда хатарли вазиятни вужудга келтирган. Оқибатда бошқа бир автомашинага ҳамда унинг йўловчиларига зарар етказган. Шундай бўлса-да, Жомбой туман ИИБ терговчиси А.Зоҳидов нима учундир ушбу ҳодисада «Тико» ҳайдовчиси С.Шопўлатовни айбдор, деб ҳисоблайди. Лекин унинг ҳаракатида жиноят аломатлари бўлмаганлиги учун жиноий иш қўзғатишни рад этади. Ҳолбуки, С.Шопўлатов жабрланувчилардан бири эди. Терговдан норози жабрланувчилар Жомбой туман ИИБ бошлиғи З.Рўзиевга, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ДАНБ бошлиғига, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига мурожаат қилишади. Шундан сўнг Жомбой туман ИИБ тергов бўлинмаси бошлиғи Қ.Мирзаев Ж.Шопўлатовга қуйидаги мазмунда хат йўллайди: «... ўғлингиз С.Шопўлатовнинг «Тико» русумли автомашинада содир қилган йўл-улов ҳодисаси бўйича унинг ҳаракатида жиноят таркиби бўлмаганлиги учун иккинчи марта ҳам терговчи А.Зоҳидов томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан жиноят иши қўзғатишдан рад этилган. Ушбу йўл-улов ҳодисасида «КамАЗ» (давлат рақами 18АВ 283) ҳайдовчиси Асадов Алишернинг ҳеч қандай алоқаси йўқлиги ҳам аниқланган». Терговчилар раҳбарининг иш тутишини қаранг! Ахир Ж.Шопўлатов ўз ўғлига, ёки А.Асадовга нисбатан эмас, Н.Тангировга даъво қилмоқда. Тергов бўлими бошлиғи Қ.Мирзаев эса бутунлай мақсаддан узоқ жавоб қайтарган. Мен нима дейману қўбизим нима дейди, деганлари шумикан?!

Ҳеч бир натижа бўлмагач, сарсонгарчилик давом этавергач, орадан беш ой ўтиб Ж.Шопўлатов вилоят прокурорига шикоят қилади. Иш қайта тергов қилиш учун Тойлоқ туман ИИБга ўтказилади. Тойлоқ туман ИИБ тергов гуруҳи катта терговчиси М. Умиров ҳар ҳолда адолатли иш тутади. Жабрланувчиларга фуқаро Н.Тангиров ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси МЖКнинг 133-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлса-да, уни жавобгарликка тортиш имконияти йўқлигини маълум қилади. Чунки воқеа содир бўлгандан бери ўн ой ўтган эди. Қонунга кўра бундай ҳуқуқбузарлик учун икки ойдан кечиктирмай маъмурий чора қўлланилиши керак. Жомбой туман ИИБ терговчилари қонунни пухта била туриб, йўл-улов ҳодисаси содир бўлишига сабабчи шахснинг айбдорлик даражасини аниқлашда белгиланган муддатни нега ўтказиб юборганликларини изоҳлаш қийин.

Айбдорларга нисбатан маъмурий чора қўллаш муддати мутасаддиларнинг айби билан ўтказиб юборилган. Жабрланувчиларнинг шундан сўнг ўзларига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш бўйича судга мурожаат қилишдан бошқа иложлари қолмади. Шундай йўл тутилди ҳам. Воқеа содир бўлгандан сўнг қарийб бир ярим йил ўтиб фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро суди судьяси М.Салоҳиддинов раислигида ушбу ишни кўриб чиқди. Ушбу жараёнда 18АВ 283 давлат рақамили «КамАЗ» 2000 йил 9 феврал куни воқеа жойида трассанинг қарама-қарши томонига орқаси билан ҳаракатланиб, яна жойига қайтган. Бу ҳолат Жомбой туман ИИБнинг воқеа жойини кўздан кечириш баённомасида, фотосуратларда, Тойлоқ туман ИИБ тергов гуруҳининг 2000 йил 26 декабрдаги хулосасида қайд этилган. Шу вақтда «КамАЗ»ни Н.Тангиров бошқарган. Суд уни айбдор деб топди ва унга нисбатан адолатли қарор чиқарди. Бунга кўра жабрланувчилар фойдасига айбдорлардан, аниқроғи, Қарши шаҳар улгуржи-чакана тайёрлов савдо қурилиш корхонаси (бошлиғи Ф.Асадов)дан 723535 сўм ундириладиган бўлди.

### *Нуқтаи назар*

Ҳаммаси аниқланиб, исбот қилинди. Дастлабки судда «агар суд томонидан айбли деб топилсам, етказилган зарарни тўлашга розиман» деган Ф.Асадов унинг қароридан норози бўлиб, вилоят судига мурожаат қилди. Вилоят суди ҳайъати ўзининг 2001 йил 15 ноябрдаги мажлисида унинг кассация шикоятини қаноатлантирмади. Ортиқча саволга ўрин қолмаган бўлса-да, Ф.Асадов Республика Олий судига мурожаат қилди. Аммо иш унинг фойдасига ўзгармади. Олий суд Жомбой туман судининг қарорини ўз кучида қолдирди. Ушбу қарорни ижро этиш, яъни Қарши шаҳар улгуржи-чакана тайёрлов савдо қурилиши корхонасидан жабрланувчиларга етказилган зарарни ундириб бериш ҳақида суд ижрочилари Қарши шаҳар бўлинмаси катта суд ижрочисига 2002 йил 29 апрелда расмий хат йўллади. Афсуски, бугунги кунга қадар суд қарори ижро этилмаган. Ф. Асадов зарарни тўлаб бергани йўқ.

Суд қарори ҳал қилувчи аҳамиятга эга. У муҳокама қилинмайди. Уни ижро этиш керак, холос. Фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судининг мазкур масала юзасидан чиқарган қарорини адолатли, десак янглишмаймиз.

Бизнинг асосий мулоҳазамиз, саволимиз қуйидагилардан иборат. Жабрланувчиларнинг сарсонгарчилигига сабабчи бўлган, маъмурий ҳуқуқбузарларнинг айбдорлик даражасига қонун нуқтаи назаридан холис баҳо бера олмаган Жомбой туман ИИБ тергов бўлинмаси бошлиғи Қ.Мирзаев, терговчи А.Зоҳидовларнинг ҳаракатларини қандай баҳолаш керак? Ишда яққол кўриниб турган хатоларга йўл қўйган ИИБнинг масъул ходимларига чора кўриладими? Ахир, биз учун қонун устуворлиги, фуқароларнинг маъмурий идораларга бўлган ишончининг мустаҳкамланишидан муҳимроқ нарса йўқ.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

***Бугунги ўзбек матбуоти, энг аввало, мустақил мамлакатимиз ва инсон манфаатларининг ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасида холис воситачи сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бу жараён ҳар бир журналистдан янада жасур ва фидойи, фаол ва ҳозиржавоб бўлишни, воқеалар қозонида қайнашни, ижодий маҳоратини узлуксиз ошириб боришни тақозо этади.***

**Ислом КАРИМОВ**

**«Ойнаи жаҳон» кейинги ўн йил ичида ахборот узатишнинг қудратли воситаси, аҳолининг барча қатламларини қамраб олган оммавий ахборот воситаларидан бири, халқ маънавий ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Истиқлолдан сўнг республика телекўрсатувларининг мазмун-мундарижаси бутунлай ўзгарди. Телевидение мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётида муҳим омилга айланди. Моҳият эътибори билан у истиқлол мафкурасини яратишга, ислоҳотларни изчил амалга оширишга хизмат қилмоқда.**

## МИЛЛАТ ЧИРОҒИ

Ўзбекистон телевидениеси тўрт дастурда ишлайди. Биринчи — «Ўзбекистон» телеканали кунига 19 соат кўрсатувлар узатади, республика аҳолисининг 98 фоизини қамраб олади. Мамлакат иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаёти, ички ва ташқи сиёсат, миллий анъаналар ҳамда турмуш тарзини ёритишга қаратилган. «Дўстлик» видеоканали орқали тожик, қозоқ, қирғиз, татар, корейс тилида кўрсатувлар берилади. Иккинчиси — «Ёшлар» телеканали кунига 16 соат кўрсатувлар намойиш этади, томошабинларнинг 98 фоизини қамраган Ўзбекистон ёшлари ҳаёти, муаммолари, маънавий эҳтиёжларини тўлиқ акс эттиради. Учинчи — «Тошкент» телеканали Тошкент шаҳри ва вилоят аҳолисига хизмат қилади. Кунига 10,3 соат ҳажмида кўрсатувлар берилади. Тўртинчи — «Халқаро» телеканалида суткасига 6,6 соат ўзбек, рус, инглиз тилларида миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга чорловчи кўрсатувлар намойиш этилади. Республика аҳолисининг 35 фоизини қамраган мазкур телеканал орқали Россия жамоат телевидениеси, Туркия, Франция, Ҳиндистон телевидениеси дастурлари ҳам томошабинларга тақдим этилади.

Ахборотларнинг мафкурадан мутлақо холи бўлишини назарда тутган ҳолда аҳоли ҳамда жамиятнинг холисона, ҳаққоний ва хилма-хил ахборотларга бўлган эхтиёжларини қондириш телевидениенинг асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишларидан биридир. Мамлакат аҳолиси, шунингдек, чет эл жамоатчилигини Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар тўғрисида кенг хабардор қилиш мақсадида ахборот тарқатишнинг «Янгиликлар», «Ҳафтанома», «Таҳлилнома», «Давр» сингари янги шакллари вужудга келди. Уларда мамлакат ҳаётида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар чуқурроқ таҳлил этилмоқда, изоҳланмоқда. Ахборот кўрсатувларида Россия жамоат телевидениеси, «Би-Би-Си», «Си-Эн-Эн» ахборот агентликлари материалларидан кенг фойдаланилмоқда. Интернет орқали Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти ҳақида мунтазам хабарлар тарқатилмоқда.



Телевидение мустақил давлатни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга жамоатчилик таъсирининг ортиб боришини таъминлаяпти. Турли ижтимоий табақалар, сиёсий партиялар ва ҳаракатларни маданиятли жамият барпо этишнинг долзарб муаммоларини ошкора ва амалий муҳокама қилишга фаол жалб этмоқда. Мамлакатда конституциявий нормалар ва қонунчиликни чуқур тушуниш, уларни рўёбга чиқаришга ва ҳуқуқий жамиятни барпо этишга кўмаклашмоқда. Жамоатчилик



фикрининг хилма-хиллигини акс эттириш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган эътиқодлар ва инсон қадр-қимматига, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат қилинишини таъминлашга диққатга сазовор ишлар қилинди.

Томошабинларни умуминсоний, демократик қадриятлар ва миллий меросни ҳурмат қилиш, миллатлараро тотувлик ва дўстлик руҳида тарбиялаш, ёш авлодда юксак маънавий фазилатларни, Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқатни шакллантириш телевидение ижодкорларининг ҳамиша диққат марказида турибди. Дастурларда эркин бунёдкорлик меҳнати ва тадбиркорлик тажрибасини кенг тарғиб этиш, ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор иқтисодиёти вазифаларини рўёбга чиқариш борасидаги энг мақбул ва муқобил йўлларни излаб топишни рағбатлантирувчи кўрсатувлар салмоғи тобора ошиб бормоқда. Янги ташкил этилган «Ассалом, Ўзбекистон» информацион тонгги дам олиш дастури «Маърифатнома», «Юзма-юз», «Ўзлик»,«Ҳидоят сари», «Заковат», «Бир ўлкаки», «Ҳандалак», «Бегойим», «Ракурс» кўрсатувлари кўпчилик томошабинларга манзур бўлди.

«Иқтисодиёт чорраҳаларида», «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам», «Экология ва ҳаёт» каби туркум кўрсатувларда моддий неъматлар яратувчи меҳнат аҳлининг бунёдкорлик фаолияти, унинг муаммо ва ўй-режалари ҳақида ҳикоя қилинади.Кейинги йилларда кўрсатувлар дастурида бозор иқтисодиёти муаммолари, савдо-тижорат, мулкни хусусийлаштириш, тадбиркорлик, ишбилармонлик мавзусида тайёрланадиган кўрсатувларга кўпроқ эътибор берилмоқда. Ўзбекистоннинг жаҳонга юз тутиб, йирик ва қудратли давлатлар билан иқтисодий, илмий, техникавий, савдо, маданий алоқалар ўрнатаётгани бу ҳамкорликнинг самаралари телевидение фаолиятида муносиб ўрин эгаллаётир. Республика Президенти Ислом Каримовнинг хорижий мамлакатларга давлат ташрифи, йирик давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ўрнатилишига бағишланган бир қатор ҳужжатли-публицистик видеофильмлар яратилди. Ўзбекистон телевидениесининг халқаро алоқалари мустаҳкамланиб, теледастурлар, видеофильмлар, ижодий ходимлар алмашиш, малака ошириш каби ўзаро ҳамкорлик кенг йўлга қўйилмоқда. Германиянинг «Сименс», Япониянинг «Панасоник» фирмалари ёрдамида телевидение моддий-техника негизи янги рақамли технологик ускуналар билан босқичма-босқич жиҳозланди. XXI аср бошида Ўзбекистон телевидениеси жаҳоннинг энг илғор, замонавий ускуналарига эга бўлди. Бир қатор вилоятларда янги телевизион марказлар қуриб, ишга туширилди.

Туркиянинг «Евроосиё» телекомпанияси билан яқин алоқалар ўрнатилди. Унинг ёрдамида ҳар йили Мустақиллик, Наврўз байрам тантаналари элликдан ортиқ мамлакатларга узатилмоқда.

АҚШ, Буюк Британия, Бразилия, Мексика, Австралия сингари ўнлаб давлатлар телевидениеси билан ижодий ҳамкорлик натижасида теледастурлар янада қизиқарли ва мароқли бўлмоқда.

Телевидение — миллат чироғи, халқ ҳаётининг кўзгусидир. «Ойнаижаҳон» ҳар бир томошабинга унинг фуқаролик бурчини муттасил эслатиб туради. У мустақиллик, миллий ғурур ғояларини халқ онгига сингдиришнинг энг таъсирчан омилидир. «Ойнаижаҳон» озод ва мустақил, қудратли ва ҳур Ўзбекистоннинг гулгун ҳаётини жаҳон халқларига намойиш қилади. Дунёда мустаҳкам тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик учун хизмат қилади.

**Мирза Анвар КАРИМОВ,**
**тарих фанлари номзоди.**





Ўзбекистон телевидениеси халқимиз маънавий ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Бу қутлуғ даргоҳда иқтидорли, касбига садоқатли фидойи инсонлар хизмат қилишади. Уларнинг кўпчилиги ҳар биримиз учун яхши таниш. Мустақиллик йилларида эришилган улкан муваффақиятлар, одамларимизнинг ажойиб фазилатлари, ҳаётнинг қувончу ташвишлари ҳақида ҳикоя қилувчи кўрсатувлар қалбларга ғурур бағишлайди, айни пайтда барчани ўйлашга, мушоҳада юритишга, унумлироқ меҳнат қилишга ундайди.

***Суратларда: эл севган журналистлар (чапдан ўнгга) Гулнора Маҳкамова, Шоира Мусаева ва Муаттар Асқарова; моҳир тасвирчи Асадулла Зикриллаев.***

**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар.**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг марказий матбуот органи - «Ватанпарвар» газетаси ташкил топганига 10 йил тўлди. Шу муносабат билан Тошкентдаги Марказий офицерлар саройида йиғилиш бўлиб ўтди.

Қуролли Кучларимиз солномачиси бўлмиш газета миллий армиямиз тизимидаги ҳарбий қурилиш ва ҳарбий сиёсатни изчиллик билан амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Шахсий таркибни ҳарбий бурчга садоқат, Она-Ватанга муҳаббат, уни кўз қорачиғидек асраш, халқимизнинг тинч ва бунёдкор ҳаётини ҳимоя қилиш руҳида тарбиялашга муносиб улуш қўшмоқда.

## «ВАТАНПАРВАР» ГАЗЕТАСИ - 10 ЁШДА

Ўтган ўн йил мобайнида газета саҳифаларида халқимизнинг шонли тарихи, миллий қадриятлари, суверен Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлаш борасида Қуролли Кучларимизда изчил ўтказилаётган ислоҳотлар жараёни, ҳарбий хизматчиларнинг мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ошириш, жонажон юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлидаги жанговар меҳнатлари кенг ёритилди.

Газета жамоасини байрам билан тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, ҳарбийлар табриклади.

Йиғилишда газета ходимларидан бир гуруҳига эсдалик совғалари топширилди.

**(ЎзА).**

## «ҲАЁТ ҲИКМАТЛАРИ»



***Наманганлик ёзувчи, журналист Обиджон Жуманазаров кенг ўқувчилар оммасига ўзининг бадиий асарлари, ҳужжатли қиссалари, ҳикоя-ю очеркларидан ташқари долзарб мавзулардаги публицистик чиқишлари, танқидий, таҳлилий мақолалари билан ҳам яхши таниш. У ўз ҳаётини газетачиликка бағишлаган заҳматкаш инсон. Яқинда ўзининг муборак 60 ёшини шукроналик ила нишонлаган мухбиримиз ҳамон ижодий изланишда.***

... Юмшоқ тупроқли ерда ҳосил тез битади. Ширинсухан кишининг дўсти кўп бўлади ва атрофида одамлар парвона. Доимо яхши муҳит ҳукм сурадиган оилалардан файзу барака аримайди. Демак, яхшиликда гап кўп экан.

* * *

... Кимки, аёл ҳуқуқини ҳимоя қилса, у бола ҳуқуқини ҳам ҳимоя қилади.

* * *

... Тонг ҳаёт абадийлиги давомийлигининг рамзи.

* * *

... Гоҳо, билиб-билмаган ҳолда кимларнингдир қалбига тиғ теккизиб қўямиз, кейин эса узоқ вақт эзилиб юрамиз. На илож, бегуноҳ ёлғиз парвардигорнинг ўзи, деб шуни айтсалар керак-да!

* * *

... Қамиш ҳар қанча ҳаволаниб ўсмасин, бир куни келиб оёқ остига бўйра бўлиб тўшалади. Райҳон ҳар қанча нозик-ниҳол бўлмасин, гўзаллар сочларига безак бўлиб тақилади.

* * *

Бобо бир ўзи ёлғиз ўтирганича гоҳ бошини тебратиб, гоҳо эса негадир жилмайиб қўярди. Ҳайрон бўлган набира сўрабди:

— Бунинг маъноси не?

Чол кулиб қўйиб, шундай жавоб қайтарган экан:

— Одамларга яхшилик қилган онларим эсимга тушса, қувониб кетаман, беҳуда ўтган умримни эсласам, мингдан-минг афсусланиб, кўзларимга ёш келади.

* * *

Телевизорда қандайдир кино кўрсатилаётганди. Қаҳрамонлардан бири:

— Шуям ҳаёт бўлдию, шуям турмуш бўлдию, — деб қолди.

Кино томоша қилаётган беш ёшли набирам Азизбек ногоҳ:

— Оппоғдада, турмуш нима дегани, — деб сўраб қолди.

Мен гапни айлантирдим. Шунда Азизбек кўзларини катта-катта очиб:

— Алдаманг. биламан, турмуш уй қуриб яшаш дегани, деди.

Чунки улар иморат қуришаётганди-да.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.**

## МАТБУОТ ОЛАМИДАН ПИЧА

XX асрнинг бошида Англияда «Хартлэнд энд уэстконтри кроникл» журнали 5 минг нусхада чиқиб турган. Уни Томас Бурровс кимса бошқарган. Нашрнинг ўзи журнал ходими, муҳаррири, масъул котиби, фотосураткаши, ҳарф терувчиси ва журнал тарқатувчиси вазифаларини бажарган.

* * *

Дунёда ягона эрталабки овозли, газета Амстердам шаҳрида чиқади. Унинг мақолалари кассетали магнитафон тасмасига ёзиб олинади. Уни 60 дақиқа давомида тинглаш мумкин.

«Овозли газета» тез оммалашиб кетди. Чунки унинг баҳоси росмана газета нархидан баланд эмас-да!

* * *

Жаҳондаги баланд телеминоралардан бири Канаданинг Торонто шаҳрида бунёд этилган.

Минора пойдеври ва мустаҳкамлик таянчи тошметин қотадиган бетондан ишланган. Таянч устига вертолёт ёрдамида соф пўлатдан тайёрланган мачта ўрнатилган. Баландлиги 553,6 метрли минора қурилишига ҳаммаси бўлиб минг тонна пўлат сарфланган.

## ОРЗУЛИ ДУНЁ

### лавҳа



***Журналист бировлар таърифлагандек ҳаёт куйчисими ва ёким қалблар меъмори, балки у сўзни нурлантирган кўнгил чироғбонидир. Нима бўлганда ҳам, журналист деганда кўз ўнгимизда эл-юрт қувончу ташвишларига шерик, тунларни тонгга улаб, ҳақиқат излаган, игна билан қудуқ қазиб, маърифатга интилган, беором, беҳаловат инсон гавдаланади.***

Ҳа, биз — журналистлар ҳаётнинг барча соҳаларига ўз сўзимиз, ўз йўлимиз, ўз фикр-мулоҳазаларимиз билан кириб борамиз. Турли касб эгалари ҳақида, уларнинг эзгу фазилатлари, турмуш тарзи, иш тажрибаси, қўйингки, маънавиятдан тортиб сиёсатгача, ижтимоиётдан иқтисодиётгача барча воқеа ва ҳодисаларга ўз муносабатимизни билдириб, қалам тебратамиз. Шунинг учун ҳам одамлар бизга катта умид билан қараб, ишончли ҳамкор сифатида ёндошадилар. Аммо негадир биз ўзимиз — ҳамкасбларимиз ҳақида жуда кам ёзамиз. Ҳолбуки, сафимизда ўзбек журналистикаси ва матбаачилигига улкан ҳисса қўшган, миллий матбуотимиз ривожи йўлида ҳамон хизмат қилиб келаётган забардаст қалам соҳиблари бор. Бугунги миллий матбуотимизни шакллантиришда, истиқлол мафкурасини яратишда улар йўлидан бориб, сўзнинг қадрига етмоқни, бурчга садоқатни, иродани чиниқтирмоқни, иқтидор ва салоҳиятни камолга етказмоқни биз ана шу азиз устозлардан ўрганамиз.

Журналист касбининг машаққат ва шодликларини ўзининг қарийб 55 йиллик фаолиятида синаб кўрган, сўз қудратига ишониб, жўшиб яшаётган устозлардан бири Расул Раҳмоновдир.

Ўзбек журналистикасида ўз ўрни, ўз салоҳиятига эга бўлган бу инсон номи бугун миллий матбуотимизнинг отахонларидан бири, мактаб яратган публицист сифатида тилга олинади. Унинг публицистикаси чин маънода халқпарварлик ғояси билан йўғрилгандир. Расул Раҳмоновнинг ҳаёти, қисмати ўзбек журналистикасининг тарихи билан узвий боғланиб кетган. Унинг 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунида таваллуд топгани, Тошкент Давлат университетида илк бор очилган журналистика бўлимида ўқишни имтиёзли диплом билан тугатганида ҳам рамзий маъно бордек.

Ижодий фаолиятини адабий ходимликдан бошлаган қаламкаш тинимсиз изланиш, устозлар ўгити, яхши ижодий муҳит, чуқур мушоҳада ва касбига меҳри туфайли масъул котиб ўринбосари, бўлим мудири даражасига кўтарилади. Унинг фаолиятида ижоднинг нозик сирларини қалб билан ҳис қилиш, тезкорлик, мавзу танлашда ўзига хослик, фикр тиниқлиги, услубнинг теранлиги ўз аксини топади. Фалсафий мушоҳадаларга бой публицистик чиқишлари билан муштарийлар қалбидан жой олади.

Р.Раҳмонов қаерда, қайси вазифада ишламасин, аввало, сўзнинг қудратига, ижоднинг умрбоқийлигига ишонди, ҳамиша ижодий изланишдан чарчамади. У журналистикани бадиий ижод билан қўшиб олиб борди. «Бизнинг маҳалла», «Қалб қўшиғи», «Зафарнома», «Қазбек баҳодир», «Нурли манзиллар», «Садоқат», «Менинг дунём» каби китоблари аллақачон халқнинг кўнгил мулкига айланган. Расул Раҳмонов моҳир таржимон сифатида машҳур адибларнинг асарларини ўзбек тилига маҳорат билан ўгирди.

У кўпинча янги ташаббуслар билан ишловчилар кўнглига кириб боради. Шу боис бўлса керакки, «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррири сифатида фаолият юритиш насиб этди.

Расул ака устозлар сабоғини буюк мактаб, деб билди ва ўзининг муҳаррирлик фаолиятида бу ҳақиқатга суяниб иш юритди. У ҳеч қачон ёш қаламкашлардан ёрдамини аямайди. Улар билан дилдан суҳбатлашиб, журналистика фидойилик талаб қилиши, фахрли ва ўта масъулиятли бу касбда ҳамиша ўқиб-изланиш кераклигини қайта-қайта уқтиради.

— Сўз шундай қудратга эгаки, у миллат қалбини нурлантириб, халқнинг руҳига қувват бахш этиб туради, - дейди Расул Раҳмонов ёш ижодкорлар билан суҳбатларининг бирида. - Сўзнинг қудрати ҳамиша унинг ёзувчиси ва халққа етказувчисининг истеъдодига боғлиқ. Шунинг учун ҳам журналистда ҳамиша аниқ мақсад, иқтидор, эътиқод, ирода, сабр-қаноат бўлмоғи лозим.

— Расул акани устозим деб биламан, - дейди истеъдодли адабиётшунос, филология фанлари номзоди Маҳкам Маҳмудов. - У қаерда ишламасин, одамларга беқиёс меҳри билан кўзга ташланарди. Тўғрисўзлиги, адолатлилиги, ҳар қандай шароитда фикрида собит туриши билан жамоат ҳурматига, ишончига сазовор бўларди.

Расул Раҳмонов бугун ҳам ижодий ишини жамоат иши билан узвийликда олиб бормоқда. Уни ҳақли равишда маҳалла ҳаракатининг жонкуяри дейишади. Негаки, у «XXI аср маҳалласи» Концепциясининг яратувчи муаллифларидан бири. Бундан ташқари, устознинг Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши раисининг ўринбосари, «Маҳалла» жамғармаси маслаҳатчиси сифатидаги жамоат ишлари ҳам бор.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли журналист ва адиб, ўзининг етмиш ёшини шукроналик ила нишонлаётган Расул Раҳмонов мен бахтли инсонман, деса ҳар томонлама ярашади.

**Амина ҚОДИРОВА.**

# ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

**Фарғонадаги болалар оромгоҳларида**

***Ёш спортчиларнинг маҳоратини оширишда, уларни мусобақаларга тайёрлашда машғулотларнинг давомийлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан Қиргули туманида кундузги спорт-соғломлаштириш оромгоҳининг фаолият кўрсатаётгани ҳам айни муддао бўлди.***





Касаба уюшмалари вилоят Кенгашининг бевосита раҳбарлигида фаолият кўрсатаётган ушбу соғломлаштириш масканида касаба уюшмалари спорт жамиятига қарашли БЎСМларнинг юз нафар аъзолари ёзги таътилни мароқли ўтказиш билан бирга ҳар куни спорт машғулотларида иштирок этишмоқда.

«Нефтчи» спорт мажмуида ташкиллаштирилган ушбу спорт оромгоҳида сузиш, эшкак эшиш, оғир атлетика, чим устида хоккей каби спорт турлари бўйича 100 нафар ёш спортчиларимиз Андрей Ким, Иқбол Болтабоев, Александр Элефтради, Икром Сотволдиев, Любов Казимова каби тажрибали мураббийлар раҳбарлигида машғулотлар ўтказишмоқда. Спорт-соғломлаштириш оромгоҳининг фаолият кўрсатиши учун касаба уюшмалари вилоят Кенгаши эса 810 минг сўм маблағ ажратди. Бепул нонушта, тушлик билан таъминланган ўқувчи-спортчилар машғулотлардан бўш пайтларда турли викторина ва тадбирларда фаол иштирок этишмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарияти ёшлар ўртасида спортни оммавийлаштиришга катта эътибор бераётгани бежиз эмас. Чунки спорт билан ошно тутинган киши ҳам жисмонан, ҳам ақлан бақувват бўлиши, жиноят кўчасидан йироқ юриши табиий. Айни кунларда спорт-соғломлаштириш оромгоҳининг иккинчи навбатини Фарғона шаҳрида очишни режалаштиряпмиз. Чунки вилоят марказида спорт иншоотлари кўп. Бу нарса кундузги спорт-соғломлаштириш оромгоҳимизда дам олувчи ўқувчилар сонини кўпайтиришга имкон яратади. Улар мароқли ҳордиқ чиқариш билан бир пайтда спортнинг футбол, волейбол, кураш, бокс, енгил атлетика, дзю-до турлари билан шуғулланишлари мумкин бўлади.

**Аркадий ПИШУК,**
**Касаба уюшмалари спорт жамиятига қарашли «Футбол-хоккей» мактаби директори**

# ХОТИРЖАМ БЎЛИШГА ҲАЛИ ЭРТА

Фарғона вилоятида меҳнаткашларнинг фарзандларини 2002 йилги ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик ўтган мавсумда амалга оширилган ишларнинг таҳлили билан бошланди.

2001 йилнинг якунига кўра вилоятда 35 та шаҳар ташқарисидаги болалар оромгоҳларида 20788 нафар, 1 та санаторий туридаги болалар оромгоҳида 830 нафар, 77 та кундузги болалар оромгоҳларида 8871 нафар, 2 та спорт соғломлаштириш оромгоҳида 185 нафар, жами 30674 нафар болалар соғломлаштирилганди.

Айниқса, Бешариқ, Данғара, Қува, Охунбобоев ва Фарғона туманларида болаларни соғломлаштириш мавсуми намунали тарзда ўтказилди. Амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда 2001 йилги соғломлаштириш мавсумида оромгоҳларни маблағ, озиқ-овқат, малакали тарбиячилар билан таъминлашда бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги таъкидлаб ўтилди. Ёзги мавсум якунига кўра Учкўприк, Бағдод, Ёзёвон, Қиргули туманлари ва Фарғона шаҳри болаларни соғломлаштириш борасида кўзланган мақсадга эриша олмади.

Тошлоқ, Бувайда туманларида ва Қувасой, Фарғона шаҳарларида кундузги оромгоҳларни ташкил этишда мутасадди раҳбарларнинг совуққонлиги туфайли, молиявий аҳволи ночор бўлган ташкилотлар бириктирилганлиги сабабли маблағ тақчиллиги вужудга келди. Бунинг оқибатида Тошлоқ, Бувайда туманларида озиқ-овқат таъминоти масаласида қийинчиликларга дуч келинган бўлса, Фарғона, Қувасой шаҳрида кундузги оромгоҳлар бўйича болаларни соғломлаштириш режаси бажарилмади.

Ўтган мавсумда йўл қўйилган камчиликларни бу йил такрорламаслик ва 2002 йилги болаларни соғломлаштириш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида вилоят ҳокими «Вилоят меҳнаткашларининг фарзандларини 2001 йилги соғломлаштириш мавсумининг якунлари ҳамда 2002 йилги ёзги соғломлаштириш мавсуми мобайнида болаларни дам олишларини ташкил қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Ушбу қарорда болаларни соғломлаштириш мавсумига масъул бўлган касаба уюшмалари вилоят Кенгаши, вилоят ҳокимлигининг халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари ва бошқа корхона ва ташкилотларнинг вазифалари аниқ-равшан белгилаб берилди.

Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш борасида касаба уюшмалари вилоят Кенгаши катта ҳажмдаги тайёргарлик ишларини амалга оширди. Болаларни соғломлаштириш мавсумига тайёрланаётган оромгоҳлар аҳволи жиддий назоратга олинди. Оромгоҳ раҳбарлари ва тарбиячилари синовдан ўтказилди. Энг муҳими, мавжуд оромгоҳлар ўз вақтида фойдаланишга топширилишига эришилди.

Натижада вилоят меҳнаткашларининг фарзандларини соғломлаштириш мавсуми биринчи навбати кўнгилдагидек ўтказилди. Айни кунда фаолият кўрсатаётган 30 та шаҳар ташқарисидаги стационар оромгоҳларда 5319 нафар, 1 та санаторий туридаги оромгоҳда 226 нафар, 24 та кундузги оромгоҳда 1980 нафар, 1 та спорт-соғломлаштириш оромгоҳида 100 нафар ўқувчилар ёзги таътилларини мароқли тарзда ўтказишди.

2002 йилги соғломлаштириш мавсумининг биринчи навбатида амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга айрим туман ва шаҳарларда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам кўзга ташланиб қолди. Масалан, кундузги оромгоҳлар фаолиятига назар солсак, бу борада Қува, Олтиариқ, Қиргули, Сўх туманларида ибратли ишлар олиб борилаётганлигига гувоҳ бўламиз. Лекин Фарғона шаҳри, Охунбобоев тумани мутасаддилари кундузги оромгоҳлар фаолиятига жиддий эътибор бермаяптилар. Кундузги оромгоҳларга бўлган бундай беписандлик вилоятнинг бошқа туманларида ҳам учрайди.

Айни кунларда Фарғона вилоятидаги оромгоҳларда болаларни соғломлаштириш мавсумининг иккинчи навбати бошланди. Ёзги таътилларни сўлим оромгоҳларда давом эттираётган болакайларнинг чеҳрасида қувонч туйғуси ҳукмрон.

**Мўйдинжон СОБИТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# «ҲУМО»НИНГ ФАЙЗЛИ ОҚШОМЛАРИ

***Фарғона механика заводига қарашли «Ҳумо» оромгоҳи Оқариқ қишлоғи ҳудудида жойлашган. Бу маскан «Оромгоҳ» деган таърифга нақадар мослигини унинг остонасини ҳатлабоқ ҳис қиласиз. Оқариқ анҳори бўйидаги алп чинорлару сокин мажнунтоллар ҳузурбахш соя ташлаб турган сўлим гўша ўзгача манзара касб этади.***

— Оромгоҳимизда 224 нафар болалар дам олишяпти, — дейди оромгоҳ бошлиғи Митҳад Мавлушев. — Улар асосан Фарғона, Марғилон шаҳарларидан келган Фарғона механика заводи, «ДЭУ текстайл» корхонаси ва халқ таълими тизимида хизмат қилаётган меҳнаткашларнинг фарзандларидан иборат. Бизнинг оромгоҳ Фарғона вилоятидаги ягона санаторий мақомидаги дам олиш маскани бўлиб, механика заводи жамоаси уни замонавий типда таъмирлаб беришди.

«Ҳумо»нинг довруқли бўлишида касаба уюшмалари вилоят Кенгаши вакилларининг ҳам ҳиссаси катта. Ҳомий ташкилотлар ёрдамида эса юз минг сўмлик дори-дармон олинди. Оромгоҳ шифокори Ирина Пахунова бошчилигидаги ҳамширалар гуруҳи болакайлар соғлиғини доимо назорат қилиб туришибди.

Оромгоҳда болаларнинг яхши дам олишлари, мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё. 8 та гуруҳга бўлинган дам олувчилар кун тартибига амал қилган ҳолда тарбиячилар ва етакчилар бошчилигида ҳар бир кунни эсда қоларли ўтказмоқдалар. Улар учун сузиш, волейбол, футбол, ашула ва рақс, рассомчилик тўгараклари ҳамда компьютер хонаси ишлаб турибди. Айниқса, кутубхона ва чўмилиш ҳавзаси ҳамиша гавжум.

— Биринчи навбатда оромгоҳнинг табиати менга жуда ёқди, — дейди Достонжон. — Тоза ҳавоси, тўгараклар фаолияти компьютер ўйинлари, китоб ўқиш, чўмилиш, футбол ўйнаш, умуман ҳаммаҳаммаси жуда ёқимли.

Айниқса, оқшомда ўтказиладиган қизиқарли тадбирларни болалар орзиқиб кутишар экан. Яқинда «Ҳумо гўзали» тадбири ўтказилди. Унда Татьяна Берсенёва ғолиб бўлди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ўтказилган «Ўзбекистон-Ватаним маним» расмлар танлови, шахмат-шашка мусобақаси ҳам болаларда унутилмас таассурот қолдирди. Ушбу танлов ва мусобақа ғолиблари Фарғона механика заводи маъмурияти ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

«Ҳумо» қучоғида болаликнинг энг тотли даврини ўтказаётган ўқувчиларни кўриб, уларга ҳавасимиз келди.

**Абдулла СОДИҚОВ,**
**журналист.**

**Андижон**

# САККИЗТА ЭНГ СЎЛИМ МАСКАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Оролбўйи ҳудуди болаларининг ёзги дам олишини ташкил этиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ 800 нафар ўрта мактаб ўқувчиси Андижон вилоятига келди.

- Болалар вилоятнинг сўлим гўшаларида жойлашган саккизта энг яхши дам олиш масканида 18 кун бўлишади, - деди вилоят касаба уюшмаларининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Қодиржон Ризаев. - Ходимларимиз ушбу оромгоҳларда дам олувчиларни қабул қилиш учун жиддий тайёргарлик кўрди. Бу ерларда болаларнинг яхши ҳордиқ чиқариши учун турли дастурлар, шу жумладан вилоятнинг диққатга сазовор жойлари билан танишиш кўзда тутилган.

**(ЎзА).**

**Тошкент**

# ЯШИЛ ЎРМОН БАҒРИДА

«Биз Хоразм вилоятининг Шовот ва Хазорасп туманларидан 60 нафар ўғил-қизларимизни Тошкент вилоятидаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатига қарашли «Тонг» болалар оромгоҳига олиб келдик. Дастлабки таассуротларимиз, оромгоҳ бошлиғи Елена Романова ҳамда тарбиячилар бизни илиқ кутиб олдилар. Дид билан безатилган ётоқхоналар, кутубхона, ҳаммаси янги спорт анжомлари, ҳамиша ёрдамга шай тиббиёт ходимлари, ўнлаб гектар сўлим боғлар бизларни лол қолдирди. Тоза ҳаво, тиниқ сув, хилма-хил мазали таомлар Оролбўйи болаларининг дардига малҳам бўлаяпти. Комбинат касаба уюшма қўмитасининг раиси Собир Пўлатов кунда, кунора оромгоҳ ташвишлари билан шу ерда бўлаяпти. Шу боис ҳаммаларига қўлимизни кўксимизга қўйиб ташаккур айтамиз».

Бу хоразмлик тарбиячи Роҳатой Қўчқорованинг таҳририятимизга ёзган миннатдорчилик хатидан олинган сатрлар.

Кўп йиллардан буён фаолият кўрсатаётган ушбу оромгоҳ 63 гектар майдонга жойлашган бўлиб, 420 нафар болага мўлжалланган. Лекин, вазиятга қараб, бу йил биринчи сменада 550 нафар бола қабул қилинди, улар учун барча шароитлар яратилди. Тонгни бадантарбия машқлари билан бошлаган тарбияланувчилар нонуштадан кейин қолган вақтини белгиланган кун тартиби асосида мароқли ўтказаяптилар. Ҳар куни мусиқа, «Ўзбек тили», «Ёш алоқачи» тўгараклари болаларни ўз машғулотларига чорлайди. Куннинг биринчи ҳамда иккинчи ярмида болалар очиқ сув ҳавзасида сузишни машқ қилиб, дам оладилар. Бундан ташқари Саодат Алиева бошқараётган кутубхонада тематик суҳбатлар, Игор Цой раҳбарлик қилаётган спорт тўгаракларида қатнашадилар.

Оромгоҳдаги 13 та гуруҳ орасида спортнинг олти тури бўйича тез-тез спартакиадалар ўтказиш одатга айланган. Бунинг учун барча ўйин майдонлари, ускуналар бор. Яқинда «Камолот» ёшлар ҳаракати Пискент туманининг ташаббуси билан ўтказилган футбол бўйича мусобақада ғолиб команда, оромгоҳ терма жамоаси биринчи ўрин ва совринни олишга муваффақ бўлди.

Ўз гуруҳлари билан бўлиниб, тушлик қилаётган болаларга берган саволимизга кўпчилик овоз билан «Жудаям яхши», деган жавоб эшитилди. Кунлик таомномада бир кунда беш маҳал бериладиган олти хил таом номи ёзиб қўйилган. «Озиқ-овқат таъминотидан ҳеч қандай камчилигимиз йўқ, ошпазларимиз тажрибали», деди оромгоҳ бошлиғи Елена Романова.

Мавсум якунлари кўриб чиқилганида тармоқ касаба уюшмалари Республика қўмитаси кўриги якунларида бизнинг «Тонг» оромгоҳи барча кўрсаткичлар бўйича биринчи ўринни олишга сазовор бўлмоқда. Бунда ушбу жамоанинг, 63 гектарлик дарахтзор, кўкаламзорларни тоза ҳолда сақлаб қолаётган, 32 йилдан буён раҳбарлик қилаётган Ноил Абдуллаевларнинг хизматлари катта бўлаяпти.

Кутубхона маънавият маркази билан ёнма-ён хоналарда жойлашган. Мавсум бошидан буён ўтган вақт ичида «Буюк алломалар ҳақида» суҳбат алломаларнинг суратли кўргазмаси билан, «Ўзбекистон — менинг Ватаним», «Давлатимиз Рамзи», «Олмалиқ тарихи» каби 10 та суҳбат ўтказилди. Кутубхонада 100 дан ортиқ ўқувчи рўйхатга олинган. Ана шу суҳбатларга мос мавзуларда ёзги кинотеатрларда кинофильмлар ҳам кўрсатиб борилади. Кечки овқатдан сўнг ҳар куни кинофильмлар, мультфильмлар, бадиий фильмлар намойиш этилади. Мусиқа ишқибозлари учун дискотекалар мунтазам ишлаб турибди.

— Кун тартиби бўйича, — дейишди хоразмлик тарбиячи Холмурод Сотимов, олмалиқлик тарбиячи Майя Сеитоблан, — эрталабки нонуштадан то ётгунга қадар кун тартибида белгиланган машғулот билан банд бўлишади. Уларнинг зерикишга вақтлари йўқ ва бундай тартиб ҳаммаларига маъқул келмоқда.

— Кейинги, иккинчи мавсумга ҳам жиддий тайёргарлик кўрмоқдамиз, - дея суҳбатни давом эттирди касабақўм раиси Собир Пўлатов. — Лекин тарбиячиларни жалб қилиш анча қийинчиликлар билан бўлаяпти. Сабаби — уларга жуда кам миқдорда маош тўланади. Кечаю кундуз болалар билан ишлаб турган тарбиячи учун 5-7 минг сўм маош албатта кам ҳисобланади.

Иккинчи муаммомиз, болаларимиз билимли, маънавиятли, маданиятли кишилар бўлишлари учун кутубхоналаримиз ҳам хизмат қилиши керак. Янги адабиётлар олиш масаласи анча ўйлантириб қўймоқда. Чунки бир дона китоб минг, бир ярим минг сўмдан сотилади. Бундай мақсадлар учун маблағ камроқ ажратилади.

2-гуруҳ болалари шодон кулгилар билан сайрга отланишди. Уларнинг ётоқхоналари бошқаларникидан ажралиб туриши эътиборимизни тортди. Бу ердаги таъмирлаш ишлари, ҳовлидаги чиройли ўриндиқлар, чархпалак, ёғоч ўймакорлиги билан ишланган ҳайкаллар — буларнинг ҳаммаси гуруҳни оталиққа олган мис эритиш цехининг алоҳида хизматларини кўз-кўз қилиб турибди.

Оромгоҳнинг умумий кўринишидаги саришталик, ҳамма биноларнинг сифатли қилиб таъмирланганлиги, чуғурлашиб тушлик қилаётган болалар олдидаги таомларнинг хилма-хиллиги ва сифатлилиги, ўз ишининг фидойилари бўлган тарбиячи ва етакчиларнинг жонкуярлиги кўринишлари Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг оромгоҳ учун миллионларни беҳуда сарфламаганлигини билдиради. Ишонамизки, бу йилги мавсум якунида ҳам ушбу оромгоҳ барча кўрсаткичлари билан биринчи ўринни оладилар. Ўз навбатида ота-оналар комбинат бош директори ва касабақўм раисига миннатдорчилик билдирадилар.

**Темур ҲАЙДАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Қашқадарё**



Китоб туманида ҳеч бўлганмисиз? Маҳобатли тоғлару шарқироқ сойлар ва ям-яшил боғу роғларни кўриб баҳри дилингиз очилади. "Муборакгаз" ишчиларининг фарзандлари учун ҳам айнан шу табиат қучоғида «Ёш алангачи» оромгоҳи бунёд этилгани ҳам бежиз эмас. Айтиш жоизки, оромгоҳ бу мавсумни ҳам пухта ҳозирлик билан кутиб олди. 200 дан зиёд янги кроват ва 1000 дан зиёд чойшаблар келтирилди. Энг муҳими, барча харажатлар ҳомийлар томонидан қопланди.

***Суратларда: "Ёш алангачи" оромгоҳида.***

**Шавкат СУЛТОН олган суратлар.**



**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида адабиёт, санъат, меҳнаткашларнинг бадиий ҳаваскорлик ижодиёти соҳасида «Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреати» унвонини бериш бўйича Республика комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди ва IV Республика босқичи иштирокчилари рўйхати тасдиқланди.**

# ТАНЛОВ

## янги истеъдодларни кашф этади

— Кўрик-танловнинг якунида минтақавий босқич ғолиблари иштирок этадилар, — деди комиссия раиси Озодахон Муҳиддинова. — Уларнинг барчаси турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган меҳнаткашлар эканлиги қувонарлидир. Бу каби кўрик-танловлар янгидан-янги истеъдодларни кашф этиши шубҳасиздир.

Комиссия аъзолари томонидан «Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреати» номзодлиги учун кўрик-танлови жорий йилнинг 1 июл куни «Темирйўлчилар» маданият саройида ўтказилиши белгиланди.

Кўрик-танловнинг адабиёт соҳаси бўйича Наманган вилоят касаба уюшмалари кенгаши томонидан вилоят Давлат архиви ходими Аҳмаджон Убайдуллаев, Андижон ВКУК томонидан Избоскан туман АСМ ходимлари касаба уюшма қўмитаси вакили Абдулла Комилов, Қашқадарёдан Бахористон туманидаги Маҳтумқули номли мактаб директори Абдунаби Абдиевлар тавсия этилдилар.

Санъат соҳаси бўйича Наманган вилоятидан Аъзамжон Валиев халқ амалий ижодиёти, Миржалол Шаҳодатов ҳайкалтарошлик йўналиши бўйича иштирок этса, Қашқадарё вилояти вакили Рустам Расулов тасвирий санъат намуналари билан қатнашади. Тошкентлик Тоҳир Икромов халқ амалий санъати, андижонлик Абдуманноп Аташев тасвирий санъат, «Қизилқумноёбметаллолтин» концерни вакили Владимир Шляхтин суратказлик, Сурхондарё вилояти вакили Бахтиёр Кенжабоев эса ҳужжатли филм йўналишида ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

Бадиий ҳаваскорлик соҳаси бўйича иштирок этаётган андижонлик Бахринисо Ҳамрокулова, Бухоронинг «Афшона» фольклор этнографик дастаси, хоразмлик Бахдир Кўзиев, сурхондарёлик Санобар Тулаева, Фарғона вилояти вакили Муҳаммаджон Усмонов, Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси тавсия этган Рустам Юнусов, «Қизилқумноёбметаллолтин» концерни томонидан тавсия этилган «Байрам» халқ дастаси қўшиқчилик йўналишида саҳнага чиқадилар.

Наманган вилояти Чуст туманидаги «Варион» ҳиссадорлик жамияти муҳандиси Салим Тошпўлатов миллий созандачилик йўналишини талқин этса, «Қизилқумноёбметаллолтин» концерни вакили Гулчеҳра Усмонова вокал, ҳудди шу корхона томонидан тавсия этилган халқ дамли оркестри созандачилик йўналишида истеъдодларини намойиш этади.

Наманган Педагогика билим юрти мақомчилар дастаси, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши тавсия этган Меҳрибону Имомбердиева, фарғоналик Мўминжон Сулаймоновлар эса йиғилганларга мақом йўналишидаги ижод намуналарини тақдим этадилар.

Фарғоналик яна бир иштирокчилар — Марғилон шаҳар ҳаваскорлик драма тўгараги аъзолари театр йўналишида, Андижоннинг Фотима Ҳусанова, «Қизилқумноёбметаллолтин» концернининг «Соната» дастаси, Самарқанд вилоятидаги Беруний номидаги касб-ҳунар коллежининг «Гулдаста» рақс дастаси ҳамда Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшма Марказий қўмитаси томонидан тавсия этилган «Ассалом, қуёш» хореографик дасталари хореография йўналиши бўйича танловда иштирок этадилар.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот котиби.**

# ГЕРМАНИЯ — ФИНАЛДА

## ҳатто Франц Беккенбауэр ҳам буни кутмаган эди

**Ҳозир футболга озгина алоқаси бўлган одам борки, ўз сўзини айтиб қолиш пайида. Лекин, энг қизиғи, футбол индустрия тусини олган кўхна қитъанинг қилни қирқ ёрадиган мутахассислари ҳам Жанубий Корея ва Япония майдонларида намойиш этилаётган спектакл муаллифлари қаршисида таъзим бажо келтирмоқдалар, бунақаси ҳали кузатилмаган эди.**

Франц Беккенбауэрни билмайдиган мухлис бўлмаса керак. Германия терма жамоаси таркибида 103 марта майдонга тушган ва шунинг 50 тасида сардорлик боғичи ишониб топширилган, жамоадошлари билан 1974 йили Жаҳон чемпиони, 1966 йили кумуш ва 1970 йили бронза медаллар совриндори бўлган, 1972 йили эса қитъа чемпиони, икки марта Европанинг энг яхши футболчиси мартабасига лойиқ топилган ва яна кўплаб унвонлар соҳиби. Бу йилдан бошлаб «Бавария» клуби кузатув кенгашининг раиси, XVIII жаҳон чемпионатининг тайёргарлик ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитаси раиси.

Юртдошлари ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб Кайзер Франц деб атайдиган Беккенбауэр жаҳон чемпионати бошланиши арафасида шундай деганди: «Бизни (яъни, Германия терма жамоасини) олдинда жуда жуда астойдил меҳнатлар кутиб турибди. Ҳозирча эса, биз анча пастлаб кетдик: биз мусобақаларда шунчаки қатнашаяпмиз, холос. Уларда ғолиб чиқишга айни дамларда қодир эмасмиз».

Футбол бўйича немисларнинг бош маслаҳатгўйига эътироз билдиришга унча-мунча одамнинг юрак ютиши қийин. Лекин терма жамоа бош мураббийи Руди Фёллер бу фикрга қўшилмаслигини ҳеч кимга ошкор этмаган бўлса-да, амалда буни инкор этиш учун «астойдил меҳнат» қилди. Бу йўлда муайян натижаларга эришди ҳам. Гуруҳ босқичларида ҳеч кимда шубҳа уйғотмайдиган тарзда муваффақият билан қатнашди, нимчорак ва чорак финалларда ҳам ўз жамоасининг зафарли юришини таъминловчи тактик йўлни танлай билди.

Мана, ниҳоят, олтин медалга олиб борувчи сўнгги манзил эшигини қоқадиган дамлар ҳам етиб келди. Бу бахт қайси жамоаларга насиб этади? Биринчи бўлиб Германия ва Жанубий Корея терма жамоалари майдонга тушдилар. Қайси терма кучли: «немис машинаси»ми ёки Гуус Хиддинкга ишониб топширилган «корейс технологияси»? Тўпурарлардан кимга омад кулиб боқади: шу пайтача бешта гол уриб (барчасини бош билан) Ривалдо ва Роналдоларга рақобат қилаётган Мирослав Клозегами ёки нимчорак финалда италияликлар дарвозасини «олтин гол» билан сийлаганган боис «Перуджа» клубидан қувғин қилинган Ан Джун Хвангами? Балки, дарвозабонлар Ли Вун Дже ва Оливер Кан сўнгги сўзни айтиш ҳуқуқини ўз қўлларида сақлаб қолarlar?

Ҳар ҳолда шундай ва шунга ўхшаш саволларни ўртага қўйган ярим финал баҳси, олдиндан кутилганидек, муросасиз курашлар остида ўтди. Ҳолис айтадиган бўлсак, финалга йўлланма олишга ҳар икки жамоа ҳам ҳақли эди.

Майдон текис, тўп думалоқ, деб бекиз айтмайдилар. Сўнгги сонияларгача мухлислар қизиқишини сусайтирмаган ўйин охироқибат Фёллер шогирдларининг ғалабаси билан якун топди. 75-дақиқада Михаэл Баллак томонидан киритилган тўп урушув тақдирини ҳал қилди. Шу тариқа машҳур мутахассис Ф.Беккенбауэр башорат қилишда анча шошганлиги маълум бўлди.

Начора, баъзан донолар ҳам янглишади.

Эртага Япониянинг Сайтама шаҳрида Бразилия ва Туркия жамоалари ўзаро баҳсга киришадилар.

**З. ИБРОҲИМОВ.**

Болгария фанлар академияси умумий ва ноорганик кимё институтининг бир гуруҳ олимлари автомобил двигателларида газларнинг янада тўлароқ ёнишига имкон берадиган катализатор ишлаб чиқишди. Ишланган газларнинг

# ЯНГИЧА УСУЛДА

ғоят зарарли таркибий қисмлари бўлиши углерод оксиди ҳамда углеродлар катализатор ёрдамида безарар углерод (II) оксид ҳамда сувга айланади.

Тўғри, илгари ҳам бошқа мамлакатларда платинадан фойдаланиб, шу усулда катализаторлар яратилган. Лекин, улар платина ишлатилгани учун ниҳоятда қимматга тушган эди.

**А.АЛИЕВ.**

*Жавоҳирлар сандиғидан*

# ЗАМАХШАРИЙ ЎГИТЛАРИ

***Хоразмлик машҳур олим, адиб ва шоир Абул-Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий (1075-1144) жаҳон илм-фани ривожига салмоқли ҳисса қўшган алломалардан биридир. У «Устоз ул-дунйа» — («Бутун дунё устози»), «Устоз ул-араб ва ва-л ажам» («Араблар ва ғайри араблар устози»), «Фахру Хваразм» («Хоразм фахри»), «Жоруллоҳ» («Оллоҳнинг қўшниси») каби фахрий ном (унвон)ларга сазовор бўлган эди.***

Ироқ олими Фазил Солиҳ ас-Самарийнинг ёзишича, у араб тили ва грамматикаси, адабиёти, фалсафа, тарих, жуғрофия, услуб ва нотиқлик санъати, луғатшунослик, аруз илми, фиқҳ, тафсир, ҳадисга оид 56 та асар яратган бўлиб, уларнинг аксарияти бизгача етиб келган. Хусусан, олимнинг «Асос ал-балоға» («Сўзга усталик асослари»), «Самим ал-арабия» («Араб тили мағзи»), «Фоиқ ал-луғат» («Энг яхши луғатлар»), «Муҳожату ан-наҳвия» («Грамматика ҳожатлари»), «Муқаддамат ул-адаб» («Нафис адабиётга муқаддима»), «Атвоқ ул-Заҳаб» («Ўгит ва насиҳатларнинг олтин шодалари»), «Алминҳож фил усул» («Услуб бобида кўрсатмалар»), «Ал-Кашшоф» («Аён қилувчи»), «Ал-қофия» («Қофия»), «Асос ал-балоға» («Нотиқлик асослари»), «ал-Қустос фил-аруз» («Арузда ўлчов»), «Мақомат» («Мақомлар»), «Рабиъ ул-аброр ва нусус ул-ахйар» («Эзгуликлар баҳори ва яхшилар баёни»), «Китоб ал-жибол ва-л-миёҳ» («Тоғлар, жойлар, сувлар ҳақида китоб») каби асарлари Шарқу Ғарбда илмий тафаккурнинг ривожи учун катта аҳамият касб этди.

**Қуйида «Навобиғ ул-калим» («Нозик иборалар») асаридан келтирилган намуналар билан танишасиз.**

* * *

Ёки илмли бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал илмни тинглаб эшитадиган бўл, бироқ тўртинчиси бўлма, чунки касодга учраб ҳалок бўласан (жувонмарг бўласан).

* * *

Агар сенга нисбатан ўз биродаринг бирор хиёнат қилса, унга якинлашишдан ўзингни тий, унинг макру ҳийласидан ўзингни муҳофаза этишга ҳаракат қил.

* * *

Фиску фасод қилувчилар ва фожирлар кўпайса, Оллоҳ таоло вабо юборади.

* * *

Гуноҳкор бандаларга садақатли бирор кимса бўлмасин.

Кўпчилик одамларнинг юраги уларнинг пешонасидан кўра ҳам кичикроқ бўлади.

* * *

Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юришидан кўра маҳобатлироқ (хайбатлироқ)дир.

* * *

Ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнат ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтордир.

* * *

Низо қилиш ҳақида сенга фатво берсалар-да, тажрибадан ўтиб синалган киши билан низо, баҳс ва мунозара қилишдан сақлан.

* * *

Пора фақат ноҳақликгу золимларга ёрдам берувчидир.

* * *

Кўпчилик одамлар ҳақиқатдан йироқдир, уларнинг талаб ва даъволари ёлғон (ботил)дир, яъни айтган сўзларию ишлари ўзларига мувофиқдир.

* * *

Низо ва нифоқ мавжуд жойда ноҳушлик бўлар, қайғу ҳасрату фақирликка тушилар.

* * *

Ўзингга мерос қолдириладиган мол-мулкдан узоқда бўл, чунки у молмулкнинг гуноҳи-ю барча машаққатлари сенга келади.

# 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

**Яқинда Яккабоғ туман «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан бир гуруҳ фахрийлар кўҳна Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида саёҳат уюштирдилар. Нуронийларни автоуловлар билан таъминлашда 85-автокорхона маъмурияти ҳомийлик қилди.**

# ТЕРМИЗГА САЁҲАТ

Дастлаб фахрийлар Ал-Ҳаким ат Термизий мажмуасини зиёрат қилишди. Сўнгра Кокилдор ота мақбараси, Саид Султон Саодат мажмуаси ва Қирққиз мадрасаларида бўлишди.

Фахрийлар қадимий ва навқирон Термиз шаҳрида рўй берган улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдилар.

Саёҳатчиларда Алпомиш боғи, теннис корти, деҳқон бозори бинолари ва уларда амалга оширилган улкан ободонлаштириш ишлари чуқур таассуротлар қолдирди.

— Термизга саёҳат, — дейди «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими бошлиғи Т.Шоназаров, — ёдимиздан чиқмайдиган бўлди. Биз йўл-йўлакай кўшни вилоят меҳнат аҳлининг бугунги кунда амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишдик.

**Хайрулла ТЎРАЕВ.**

# СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Гана мамлакатининг табиати, иқлими, ҳайвонот дунёси ўзига хос ажабтовурдир. Гана какога энг бой мамлакат эканлиги билан ҳам машҳур. У какао ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринда туради.

«Кофе» сўзи эфиопиядаги Каффа деган вилоятнинг номидан келиб чиққан. Бу вилоятда кофе ўсимлиги ўсади. У ердан кофе ўсимлигини Араб ярим оролига келтириб экишган.

Европага кофе биринчи марта 1561-чи йилда келтирилган. Ҳаммамиз севиб истеъмол қиладиган апельсин мевасининг номи асли инглизча сўздан ташкил топган бўлиб, сўзма-сўз таржимада — апел - олма, син - чин (Хитой), яъни Хитой олмаси маъносини беради.

Шампан ичимлигини ким билмайди дейсиз? Лекин унинг номи қандай келиб чиққанлигини ҳамма ҳам билавермаса керак. Бу ичимликнинг асли ватани Франциянинг Шампан вилоятидир.

Кейинчалик ушбу ном у ишлаб чиқариладиган ҳамма жойда сақланиб қолди. Бундан ташқари коньяк, бордо, кагор ичимликларининг номи ҳам худди шу номдаги шаҳарлар атамасидан келиб чиққан.



*Гиёҳвандлик — аср вабоси*

**Ўзбекистон қонунчилигига биноан наркотик моддаларни қонунсиз равишда тайёрлаган, сотиб олган, сақлаган, ташиган ёки сотган, уларни ўғирлаган, истеъмол қилган ёки бўлмаса, наркотик моддаларни истеъмол қиладиган бангихона ташкил этган шахслар жиноий жавобгарликка тортилади.**

# АФЮН

## Унга қарши курашиш мумкин ва лозим

Бироқ тақиқлаб қўйиш билангина иш битмайди. Инсон умрининг заволи бўлган бу зарарли иллатни таг-томири билан қўпориб ташлаш зарур. Соғлом ҳаёт тарзини йўлга қўйиш эса бу борчи ва кўп нарса ушбу бурчга қанчалар садоқат кўрсатилишига боғлиқ.

Ҳеч бир ота-она фарзандига ёмонлик тиламайди. Аммо ҳамма ҳам бунга масъулият билан ёндошмайди. Айримлар бола тарбиясини бутунлай боғча ва мактаблар зиммасига юклаб қўядилар. Болалар эса кўпинча бўш вақтларидан тўғри фойдаланишмайди. Аввалига хилватроқ жойга тўпланиб олиб папирос чекишдан бошланган «мустақил ҳаёт» охир оқибат уларни йўлдан чалғитади. Кўзлари қизариб кетган, хаёллга чўмиб ўтирган болалар олдидан биз катталар эса бепарво ўтиб кетавераmiz.

Тақиқланган нарсалар ширин туюлади, деб бежизга огоҳлантиришмайдилар. Ҳиди ўткир ва кўнгилни айнитадиган сўюқликлар кўпинча болалар диққатини ўзига тортади. Бироз эътиборсизлик қилинса кифоя, жавобгарлик ҳисси шаклланиб улгурмаган ўсмир қандай қилиб нотўғри йўлга кириб кетганини билмай ҳам қолади.

Оддий елимни бир марта ҳидлаб кўрган ўсмирнинг бошини айланиб, гўё кайфияти кўтарилади. Кейинги сафар бу ишга ўргатиш жалб қилади.

Энг ёмони, улар бу ярамас одатнинг оқибатини ўйлаб ҳам кўрмайди. Тез орада ўсмирда ўткир психоз ҳолати рўй беради, хотира сусаяди, у ҳозирги ва олдинги воқеаларни эслай олмайди. Ҳаёт ташвишлари ортда қолгандек, аста-секин атрофга лоқайд бўқа бошлайди, ҳеч нарсага қизиқмай қўяди, жамиятда ўз ўрнини йўқотади. Энди у ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилолмай қолади, бу эса қонун бузишларга олиб келади.

Статистик маълумотларга кўра, турмуш эси паст болалар асосан ота-оналари гиёҳвандликка чалинган оилаларда туғилади. Баъзи тажрибасиз ёш оналар қаттиқроқ ухласин деб гўдакка кўкнори майдалаб, майизга қўшиб берадилар. Бу зарарли одат оқибатида бола жисмоний ва руҳий жиҳатдан нуқсонли бўлиб қолади.

1803 йилда К.Дерсон ва Сертюнер деган кимёгарлар афюндан оқ кристалларни ажратиб олиб, уни туш худоси Морфей шарафига морфий деб атайдилар. Ж.Л.Гей-Люссак эса уни морфин деб аташни таклиф қилди, чунки «ин» қўшимчаси бу модданинг алколоидлар қаторига таалуқли эканини билдирар эди.

Баъзан соддадил мижозлар носвой ҳам наркотик моддами, ахир азал-азалдан бобокалонларимиз чекиб келишади-ку, деб ажабланиб сўрайдилар. Ҳа, афсуски, носвой ҳам наркотик модда. Хусусан таркибида оҳак, кул, табак, ёғ, сув бўлган нос тилни, жиғарни рак касалига чалинтиради.

Ҳаммамиз ҳам бола бўлганмиз. Дид ва одатларимиз, майл ва истакларимиз болаликдан шаклланиб келган. Нима яхши-ю, нима ёмон, қандай яшаш керак, бу ҳақда биз биринчи марта отамиз ва онамиздан, бобомиз ва бувимиздан эшитганмиз. Бу доно насиҳатлар бир умрга қулоғимизда ўрнашиб қолган. Оиладаги шароит, оила аъзоларининг талаб ва истаклари ва эҳтиёжлари шу хонадонда ўсаётган ўсмирнинг феъл-атворига таъсир этмайди, дейсизми? Албатта, таъсир этади. Буни ҳар бир ота-она ёдида сақламоғи даркор.

Ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида оила ва жамият фазилатлари уйғунлашиб, оила, мактаб ва маҳалла ўртасида мустаҳкам алоқада бўлсагина муваффақиятга эришиш мумкин. Зеро, катта ёшли кишиларнинг, аввало ота-оналарнинг шахсий намуна кўрсатиши болалар тарбиясидаги асосий омиллардан биридир. Шунинг учун катталар ўз фарзандлари олдида ёмон одатлар билан намоён бўлмасликлари, соғлом ҳаёт тарзига мос келмайдиган зарарли одатлардан воз кечишлари зарур. Бошқача айтганда тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмоғи керак.

**Исмоил МУСТАФОЕВ,**
**Бухоро Давлат тиббиёт институти психиатрия кафедраси ассистенти, олий тоифали ҳаким.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Фарғона вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси Анварҷон Юнусовга волидаи муҳтарамаси **ТИЛЛАХОН АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Фарғона вилояти касаба уюшмалари Кенгаши ва барча тармоқ вилоят қўмиталари касаба уюшмалари вилоят Кенгаши раиси Анварҷон Юнусовга волидаи муҳтарамаси **ТИЛЛАХОН АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди: 21:55

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 519. 1 2 3 4 5 6